

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВ МИРЗАМАХМУД АЛИШЕРОВИЧ

**ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(УРОЛОГИЯ ФАНИ МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тиббиёт фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Шадманов Мирзамахмуд Алишеревич

Тиббий таълим жараёнида фанлараро интеграцияни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш (урология фани мисолида)..... 3

Шадманов Мирзамахмуд Алишеревич

Совершенствование методики организации междисциплинарной интеграции в процессе медицинского образования (на примере предмета урологии)..... 29

Shadmanov Mirzamakhmud Alisherovich

Improving the methodology for organizing interdisciplinary integration in the process of medical education (on the example of the subject of urology)..... 53

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВ МИРЗАМАХМУД АЛИШЕРОВИЧ

**ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(УРОЛОГИЯ ФАНИ МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тиббиёт фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Ped537 (B2022.4.DSc/Tib774) рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маматқулов Бахрамжон
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирсолиева Мухаббатхон Тухтасиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Юлдашев Файзулло Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдурахимова Лола Анваровна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел./факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги глобаллашув ва технологик тараққиёт натижасида таълимнинг рақамли трансформациясига асосланган инновацион стратегиялар амалиётга кенг жорий этилмоқда. Таълим жараёнини интеграциялаш, эҳтиёжларга асосланган индивидуал таълим траекторияларини шакллантириш орқали бўлажак мутахассисларда ўрганиш ва ишлаш учун зарур бўлган универсал компетенцияларни, креатив ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи инфратузилма ва технологик ресурслар кўллаб-қувватланмоқда¹. Бу ўз навбатида, коллоборатив ва интеграциялашган ўқитиш моделлари (collaborative and integrated learning models)ни татбиқ этишнинг тиббий-дидактик имкониятларидан амалиётда фойдаланиш бўйича самарали ишларни олиб боришга имкон беради.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида тиббиёт таълимида фанлараро интерацияга асосланган инновацион педагогик ёндашувлардан фойдаланиш, рақамли технологиялар трансформациясига асосланган узлуксиз тиббиёт таълими технологияларини такомиллаштириш, глобал саломатлик дастурлари (Horizon health), тадқиқотларга йўналтирилган таълим асосидаги тиббий кластерларни (Health Cluster) яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тиббий таълим сифатини ошириш, компетенциявий ёндашувни жорий этиш, реал тиббиёт муҳитда амалий касбий-кўникмаларни ривожлантириш имконини берадиган клиник-интерактив технологияларни татбиқ этиш, тиббиёт ходимларининг ижтимоий-маданий, инклюзив призмадаги компетенциялар моделини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни жорий этиш, кредит-модул тизимини жорий этиш орқали тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёنларини такомиллаштириш², тиббиёт таълим, фан, амалиёт ва инновациялар соҳасидаги ижобий халқаро тажрибаларни имплементация қилиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тиббиёт таълимида таълим хизматларини янада такомиллаштириш, сифатли таълим бериш имкониятларини кенгайтириш, тиббиёт ташкилотлари эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, амалиёт ва таълим интеграциясига асосланган дуал таълим моделини жорий этиш, бу борада тиббиёт олий таълим муассасаларининг академик ва инновацион салоҳиятини ошириш борасида устувор вазифалар белгиланган. Ўз навбатида бу узлуксиз тиббий таълим имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

¹ OECD. Organisation for Economic Co-operation and Development. Teaching for the future: Effective classroom practices to transform education. OECD, Publishing, Paris. 2018a

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон Қарори.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармонлари, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий – маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» ҳамда V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Тиббиёт таълими жараёнида фанлараро интеграцияни ташкил этиш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таълим муассасаларида, жумладан: Harvard university (АҚШ), University of Oxford, University of College London (Буюк Британия); University Hospital Schleswig-Holstein, Virtuelle Hochschule Bayern, Fraysburg University (Германия); Koryo university, Yonsei University (Жанубий Корея); King George's Medical University, Aladdin Keykubat University (Туркия), Department of Community Medicine, Great Eastern Medical School (Ҳиндистон); University of Griffith (Австралия); И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Н.И. Пирогов номидаги миллий тиббиёт университети, Н.А. Лопаткина номидаги урология ва интервенцион радиология илмий-тадқиқот институту (Россия Федерацияси) ва бошқаларда олиб борилмоқда.

Жаҳонда тиббиёт таълими жараёнида фанлараро интеграцияни ташкил этишга оид тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижаларга эришилган: тиббиёт таълимида интеграциялашган ўқитиш дастурларидан фойдаланиш ва тиббиёт ходимларида универсал касбий компетенцияларни ривожлантириш самарадорлиги илмий-назарий асосланган (Harvard university), муаммоли таълим, клиник кейслар ва симуляцион марказлар орқали ўқитишнинг рақамлаштирилган технологиялари ишлаб чиқилган (University of Oxford), тиббиёт ходимларини тайёрлашнинг академик ва амалий йўналтирилган “Интеграциялашган тиббиёт дастури” - Hochschulmedizin ишлаб чиқилган (University Hospital Schleswig-Holstein, Fraysburg University), бўлажак тиббиёт ходимларида когнитив, ижтимоий ва ҳиссий қобилиятларни ривожлантиришда геймификациядан фойдаланиш технологиялари ишлаб чиқилган (Yonsei University), ўқув жараёнини ташкил этишнинг сунъий интеллект (artificial intelligence) имкониятларига асосланган консултатив,

ахборот-дастурий таъминоти яратилган (Great Eastern Medical School), очик таълим дастурлари яратилган ва касбий карьера марказлари ташкил этилган (Н.И. Пирогов номидаги миллий тиббиёт университети).

Жаҳонда тиббиёт таълими жараёнида фанлараро интеграцияни такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тиббий таълим сифатини ошириш, тадқиқотларга йўналтирилган тиббиёт-таълим кластерларини яратиш; рақамли технологиялар асосида клиник йўналтирилган таълим технологияларини ишлаб чиқиш; тиббиёт таълими мазмунини фанлараро интеграция асосида трансформациялаш, бўлажак мутахассисларда тиббий-касбий кўникмаларни ривожлантириш моделини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда олий таълим сифатини ошириш, таълимга инновацион ёндашувлар, рақамли технологияларни жорий этиш, узлуксиз касбий ривожланиш методологиясини шакллантириш масаласи Ш.Қурбонов (2022 йил), У.Иноятов (2021 йил), У.Бегимкулов (2022 йил), М.Мирсолиева (2021 йил), А.Аскарлов (2020 йил), А.Ибрайимов (2021 йил) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек, республикаимизда олий таълим муассасалари учун, хусусан тиббиёт соҳасида педагогика масалалари, таълим жараёнидаги интеграция турлари, педагогик компетентлик, касбий фаолиятга тайёргарлик, таълим технологиялари, инновацион компетентлик ва интерфаол усулларнинг қўлланилишига доир масалалар А.Шодмонов (2021 йил), А.Г.Гадаев (2022 йил), Л.А. Абдурахимова (2022 йил), Б.Маматкулов (2019 йил), М.Р.Кадирова (2022 йил), У.Ш.Бегимкулов (2007 йил) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида фанлараро интеграция, соҳага йўналтирилган ўқитишнинг илмий-назарий муаммолари А.А.Андреев (2019 йил), М.Е.Вайндорф-Сыроева (2021 йил), В.А.Куклев (2018 йил), В.В.Парамзина (2020 йил), Е.С.Полат (2019 йил), И.Н.Теркулова (2021 йил), А.Г.Шабанов (2022 йил), Т.В.Беленко (2020 йил), А.П.Грецова (2018 йил), М.С.Якушкиналар (2020 йил) томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқот муаммоси йўналишида муайян даражада илмий излданишлар олиб борилган бўлса-да, айнан тиббиёт таълимидаги трансформацион жараёнларда кредит-модул тизимига асосланган ҳолда, интеграциялашган ўқитишни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш муаммоси тиббиёт методикаси нуқтаи-назаридан махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273 «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта диагностикаси, даволаш ва профилактикасини инновацион технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2020–2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тиббиёт таълимида фанлараро интеграциялашган ўқитиш методикасини кредит-модул тизимини жорий этиш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиббиёт таълимида фанлараро интеграцияни ташкил этишнинг ижтимоий, педагогик-психологик, дидактик имкониятларини таҳлил қилиш;

тиббиёт таълимида фанлараро интеграциялашган ўқитиш методикасини кредит-модул тизимини жорий этиш асосида такомиллаштириш мазмуни, ташкилий педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш, методик талабаларни белгилаш;

кредит модул тизимини жорий этишда урология фанини ўқитиш орқали талабаларнинг интегрatív касбий компетентлигини оширишга қаратилган электрон-методик таъминотни ишлаб чиқиш;

кредит модул тизимида клиник фанларни такомиллаштирилган методик таъминотидан фойдаланиб мустақил таълимни ташкил этиш самарадорлигини ошириш;

урология мутахассислари касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг интерактив усулларини такомиллаштириш ва профилактика чораларини кўришга қаратилган назарий ва амалий билим ҳамда илмий изланувчанлик интеграциясини такомиллаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тажриба синов ишларида 490 нафар респондент, жумладан 312 нафар бакалавриатура ва малака ошириш курслари тингловчилари 56 нафар, 112 нафар кредит модул тизимида, 106 мустақил таълим жараёнини фаоллаштиришда, 94 нафар янги педагогик технологияларни қўллаш жараёнида), 122 нафар профессор - ўқитувчилар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети тиббиёт таълимида фанлараро интеграциялашган ўқитиш методикасини кредит-модул тизимини жорий этиш асосида такомиллаштириш шакли, методи ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсадга эришиш ва вазифаларни амалга ошириш учун тарихий, социологик, педагогик, клиник, лабаратор, ёзма, аналитик, математик-статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

клиник фанларни ўқитишда таълим дастурларининг вертикал ва горизонтал интеграцияси, таълим траекторияси ҳамда тизимни яратишнинг эргонометрик талаблари, таълим элементларинига кўра тиббиёт таълими жараёнининг фанлараро интеграцияси такомиллаштирилган;

урологик касалликларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашга қаратилган комплекс тизимли чора-тадбирлар - сийдик йўллари инфекцияси, простата беzi хавфсиз гиперплазияси, сийдик тош касаллиги мавзуларини ўқитиш жараёни мутахассисларнинг поликлиника ва стационар шароитидаги фаолиятларига кўра оптималлаштирилган;

оилавий шифокорлар ва мутахасисларни тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган омилларни

эътиборга олган ҳолда касбий ривожланишнинг ўзига хос жиҳатлари - врач-бемор, ижтимоий меҳнат, врач-бемор оиласи ўртасидаги муносабатлар ҳамда касбий бурч ва мажбуриятларга оид фаолият турларини баҳолаш мезонлари асосланган;

урологик касалликлар орасида кенг тарқалган простата беши хавфсиз гиперплазияси симптомларини йиғма баҳолашнинг халқаро “IPSS” саволномаси беморнинг касбга оид характеристикаси, жинсий ҳаёт тарзи ва зарарли одатларига кўра оптималлаштирилган;

тиббий клиник фанларни замонавий инновацион, интерфаол таълим усулларини қўллаган ҳолда ўқитишда дарсларни бемор демонстрацияси орқали (беморнинг розилиги билан) ёки симуляцион марказларда олиб борилганда талабаларнинг билимлари 87-92% га, амалий кўникмалари 85-90%га ошиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кредит модул тизимини жорий этишга қаратилган тиббий таълим жараёнида кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир касбий-педагогик фаолиятни ташкил қилиш тамойиллари такомиллаштирилган;

тиббий таълими жараёнида кредит модул тизимининг ўзига хос томонлари, кредит ажратиш ва модулларни шакллантириш борасидаги ёндошувлар, клиник фанларни шу жумладан урология фанини ўқитиш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар хорижий тажриба асосида баҳоланган;

тиббий таълим тизимида моддулли ёндошувнинг кўп таркибий қисми ташкилий – тузилмавий модели баҳоланган;

урология фанини ўқитишда ахборотлаштирилган таълим муҳити ёрдамида амалий машғулотларни ўтказиш давомида мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда интерфаол усуллар оптималлаштирилган;

аҳоли орасида нисбатан кенг тарқалган урологик касалликларни клиник белгилар асосида эрта ташхислаш ва хавф омилларининг учраш сонига асосланган ҳолда бирламчи ва иккиламчи профилактикага оид электрон дастурлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усуллар расмий манбалардан олинганлиги, назарий ва амалий жиҳатдан муҳимлиги, электрон дастурлар ҳамда статистик усулларига таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, тадқиқот давомида олинган натижалар асосида тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кредит модул тизимини урология фанини ўқитишда интерфаол таълим технологиялари, электрон дастурлар асосида компетентли, инновацион ва услубий таъминот ҳамда тиббий таълим жараёнида касбий маҳоратни ривожлантиришга хизмат қиладиган услубий ёндошувларни такомиллаштиришга, ахборотлаштирилган ва кредит модул тизимини ижобий жорий этишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиббий таълим жараёнида кредит модул тизимини жорий этишда хорижий тажрибага асосланган ҳолда урологларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ташкилий - тузилмавий ёндошув таҳлил қилинган, ўқув жараёнида мавзуларнинг ўзига ҳос томонларига таянган ҳолда ҳамда мақсадли ёндошув асосида интерфаол усулларни мувофиқлаштирилганлиги, инновацион технологияларни қўллаш ёрдамида клиник амалиётда электрон дастурларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кредит модул тизимини жорий этишда малакали мутахассисларни, хусусан урологларни тайёрлаш доирасида олинган тадқиқот натижалари асосида:

модулли ёндошув асосида бўлажак мутахассисларни тайёрлашда янги интеграциялашган технологиялар ёрдамида мазкур тизимнинг ташкилий ва бошқарув усуллари жорий этиш, унинг меъёрий асосларини яратиш тиббий таълим жараёнини ҳамда урология амалиётини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш имконини беради;

“Бўлажак оилавий шифокорларни тайёрлаш учун кредит модул тизимини жорий этишда фанлараро интеграция асосида ўқув жараёнини ташкил этиш” мавзусидаги услубий тавсиянома (Соғлиқни сақлаш вазирлигида 09.01.2023 й.да 8н-р/44-сон билан тасдиқланган). “Урология фанини бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлашда педагогик технологияларни қўллаш” (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 09.01.2023 й.да 8н-р/42-сон билан тасдиқланган). “Малака ошириш тингловчилари учун урология фанини ўқитишда педагогик технологияларни қўллаш” (Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 09.01.2023 й.да 8н-р/43-сон билан тасдиқланган), бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 25-июлдаги №176 “Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаларида тиббий таълим жараёнида фанлараро интеграцияни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш ҳамда таълим жараёнига тадбиқ этиш тўғрисида” буйруғи тасдиқланган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимининг ўқув ва амалий фаолиятига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти ўқув жараёнига, Республика ихтисослаштирилган урология илмий - амалий тиббиёт маркази, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 6 июндаги 08н-з/51-сон маълумотномаси). Кредит модул тизимини жорий этишда тиббиёт фанлари ўқитишни ўзига ҳос хусусиятларини инобатга олган ҳолда фанлараро интеграция асосида ўқув жараёнини ташкил этишда янги педагогик технологияларнинг қўлланилишида педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш таълим оловчиларнинг машғулот давомида фаоллиги ҳамда назарий, амалий билимлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларини ўртача 29,1% дан 93,7% га ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар, шу жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тиббий таълим жараёнида кредит модули тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Хорижий давлатларда кредит модули тизимини жорий этишга доир ислохотлар»** деб номланган биринчи бобида таълим масаласи жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида инновацион технологияларни татбиқ этишга доир ислохотлар, тиббий таълим тизимида янги педагогик технологияларнинг татбиқ этиш жараёнининг аҳамиятига доир маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимидаги ислохотлардан бири сифатида олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимининг жорий этилиши муҳимлиги ҳақида ва модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш кредит модули тизимининг тиббий олий таълимга жорий қилиниши борасидаги муоммолар кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«Тиббий таълим жараёнини ташкил этишда модулар шакллантирилишининг назарий-методик асослари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, материал ва тадқиқот усуллари, хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари тажрибаси, кредит модули тизимида клиник фанларни ўқитишда фанларaro интеграцияси ёритилган.

Тадқиқотда белгиланган мақсадга эришиш ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида мавзуга оид илмий манбалар, соғлиқни сақлаш тизимида доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дидактик материаллар, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш; амалий кўникмаларни шакллантириш, суҳбат, кузатиш, анкета-сўров, урологик беморлар учун сўровнома, тест, тажриба-синов усуллари қўлланилди.

Тадқиқотда репрезентатив мажмауа ҳажмини ҳосил қилиш учун далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган ҳолда тасодифий

танлов, когорт, ҳодиса-назорат усуллари қўлланилди. Тадқиқот натижаларига ишлов бериш, уларнинг ишончилигини баҳолаш учун замонавий математик-статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот жараёни бир неча босқичда амалга оширилди, бунда тадқиқот объекти сифатида тажриба синов ишларида 490 нафар респондент, жумладан 312 нафар бакалавриатура ва малака ошириш курслари тингловчилари 56 нафар, 112 нафар кредит модул тизимида, 106 мустақил таълим жараёнини фаоллаштиришда, 94 нафар янги педагогик технологияларни қўллаш жараёнида), 122 нафар профессор - ўқитувчилар жалб этилган. (1-расм).



1-расм. Тадқиқотга жалб этилган талабалар (курслар кесимида)

Диссертациянинг “Урология фанини бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлашда педагогик технологияларни қўллаш” деб, номланган учинчи бобида урология фанини интеграциясини таъминлашда анъанавий ва янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш усуллари қўллаш билан бирга олиб борилган машғулот турлари келтирилган.

Магистратура мутахассислик йўналишларига ўқишга кирган талабалар илмий иш билан шуғулланадилар ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қиладилар. Шу жиҳатдан талабалар орасида “Лойихалаш” усули”ни қўллаш катта ҳамиятга эга.

Таҳлил натижаларига кўра “Лойихалаш” таълим усули билан ўтказилган амалий машғулотларда асосий гуруҳдаги талабалар ўртасида мавзунинг долзарблигини тўғри ёритиш (84,4%), шифокор тактикасини тўғри танлаш (76,9%), амалий кўникмани аниқлаш (83,3%), олинган материални тўғри таҳлил қилиш (73,9%), тақдимот қила олиш (80,6%) ва илмий жиҳатдан асослай олиш (82,1%) бўйича ишончли ижобий фарқ кузатилди.

Назорат гуруҳида эса мавзунинг долзарблигини тўғри ёрита олиши (58,5%) аниқланди, амалий кўникмани аниқлаш (68,7%), олинган материални тўғри таҳлил қила олиш (15,6%), тақдимот қила олиш (17,6%) ва ва илмий жиҳатдан асослай олиш (32,6%) ташил қилди. Бу ўз навбатида талабаларда илмий изланишга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш, илм билан шуғулланишда кўникмаларни шакллантириш борасида назарий ва амалий билимнинг етишмаслиги яққол намоён бўлди. Шу билан бирга иккала гуруҳ шахслар аро мулоқат тамойилларини қўллаш олиш бўйича (асосий гуруҳда 50,9% ва

назорат гуруҳида 28,5%) назарий билимларининг сузглиги кузатилди, бу ўз навбатида талабаларни илмий изланишга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш интеграцияни кучайтириш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқот давомида талабалар орасида “Лойихалаш” ўқитиш усули билан ўтказилган амалий машғулотлар бўйича фикр мулоҳазалар олинди ва саволнома ўтказилди ва амалий машғулотни талаб даражасида эгаллаш даражаларига алоҳида эътибор қаратилди (2-расм).



2-расм. Ўқитувчилар томонидан ўтказилган “ЛОЙИХАЛАШ” усулининг самарали ташкил этилганлиги вектори.

“SWOT - таҳлил” усули ғоя, жараён, тажриба ҳамда иш натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, аналитик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади.

SWOT – таҳлил тўрт йўналишда олиб борилади:

S – (strength) – кучли томонлари

W – (weakness) – заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity) – имкониятлари

T – (threat) – тўсиқлар

Талабаларга “Простата безининг хавфсиз гиперплазияси” мавзуси “SWOT - таҳлил” жадвали асосида таҳлил қилиниш топшириғи берилди.

Талабалар мавзу бўйича ўз фикрларини таҳлил қиладилар. Мазкур технология асосида ўтказилган машғулотда назорат гуруҳидаги 86 (58,5%) нафар талаба - аъло; 77 (52,3%) нафар талаба яхши; 125 (85,0%) нафар талаба қониқарли ўзлаштирди.



3-расм. Талабалар билан ўтказилган “SWOT - таҳлил” усули технологиясининг самарадорлиги

Тадқиқот давомида малака ошириш тингловчилари учун мавзулар бўйича педагогик технологиялар анатомияси ўрганилди.

“Ролли ўйин” технологиясининг шахсга йўналтирилган ўқув жараёнларини вужудга келтиришда ва соғломлаштиришнинг терапевтик жараёнларида қўлланилади.

1 - жадвал

Ролли ўйин” технологияси самарадорлиги

№	Саволлар	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ	χ^2	P
1	Ўқув машғулоти амалга ошириш учун макур технология маъқулми?	78	86	2,17	>0,05
2	Мавзу бўйича махсус касбий билимлар даражаси	72	87	6,9	<0,01
3	Ҳамкорликда ишлаш жараёни қониқтирдими?	68	90	14,59	<0,001
4	Сўз раволиги ва касбий кўникмаларни ривожлантириш учун яна нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?	-	88	-	-

Шундай қилиб, янги технологияларни қўллаш асосида талабаларни ўқитиш натижаси бўйича берилган билимлар 36,1% оширилди (52,3%дан 88,4%ча), амалий кўникмаларни шакллантира олиш даражаси 11,3% оширилди (38,7%дан 50,9%га), жавобларни илмий жиҳатдан таҳлил қила олиш 34,8% оширилди (58,5%дан 93,3%га) ва ўз фикрини ифода қила олиш маданияти эса 54,5% оширилди (22,4%дан 76,9%га). Назорат гуруҳи талабаларида назарий ва амалий билимнинг етишмаслиги, иккала гуруҳда ҳам талабаларда шахслараро мулоқат тамойилларини қўллаш олиш (асосий гуруҳда 50,9% ва назорат гуруҳида 28,5%) назарий билимларининг сустиги

кузатилди, бу ўз навбатида талабаларни илмий изланишга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш учун интеграцияни кучайтириш ва интерфаол усулларни тасвирий ўқитиш восталари билан олиб бориш лозимлигини исботлади. Тадқиқот давомида урология фанини ўқитишда кредит модул тизими, замонавий интерфаол таълим технологияларининг асослари ва усулларини қўллаш орқали касбий маҳоратни ривожлантиришга ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таълим жараёни элементлари яратилиб уларнинг моҳияти асосланди.

Ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёргарлик кўраётганда амалий машғулотларнинг технологик ва хронологик карталарини мавзуларга мос ҳолда ишлаб чиқади.

2-жадвал

Амалий машғулотда таълим бериш технологияси модели ва технологик харита

Вақт – 2 соат	Талаба сони: 15 кишидан ошмаслиги лозим
Машғулот шакли	Амалий машғулот
Машғулот режаси	1. 2. 3.
Ўқув машғулотининг мақсади: ...бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма, малака ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари
-...тўғрисида маълумотларни тизимлаштиришни ўргатиш; -...бўйича муаммоли вазифаларни ечишни, таҳлил қилишни ўргатиш; -...имкониятларни илгари суриш, уларни баҳолаш, якуний хулосалар қилишни ўргатиш.	-... маълумотларни тизимга соладилар; -...бўйича муаммоли вазифаларни ечадилар, таҳлил қиладилар; -...имкониятларни илгари сурадилар, уларни баҳолайдилар, якуний хулосалар қиладилар.
Таълим методлари:	Блиц-сўров, ўқув адабиётлар билан ишлаш, йўриқнома, машқ.
Таълим шакли:	гуруҳли - бир иш 5-7 кишилик кичик гуруҳда бажарилади;
Таълим воситалари:	флипчарт, график органайзерлар, услубий кўрсатмалар билан берилувчи топшириқлар.
Ўқитиш шарт-шароитлари:	аудитория
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки назорат: савол-жавоб

Юқоридаги жадвалга асосланган, таълим траекторияси ҳамда эргонометрик талабларни эътиборга олган ҳолда ҳар бир амалий машғулотларнинг бир неча босқичдан иборат бўлган технологик харитаси ишлаб чиқилди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишни муаммоли вазиятлар усули мисолида кўриб чиқилди ва ёритилди.

3- жадвал

Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	➤ Таълим берувчи мавзу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	➤ Тингловчилар гуруҳларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	➤ Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гуруҳларда муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	➤ Натижаларни маълум қилади, бошқа гуруҳ вариантларини муҳокама қиладилар
4 - босқич Умумлаштириш, яқун ясаш	➤ Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади

Дунёнинг илғор университетларида талабаларни ўқитишнинг тан олинган усули бу муаммоларни ечишга қаратилган усулдир.

Муаммо бўйича ахборотлар қидириш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, унинг ечимини топишдир.

Муаммога асосланган таълимнинг мақсади талабаларда билиш кўникмаларини ривожлантиради. Бу талабаларда фикрлашни кучайтиради. Ҳар бир бемор бир талай муаммолар билан келади. Врач билан бемор ўртасидаги ўзаро алоқа ва узаро муносабатлар эътиборга олинмаган бўлса, ушбу ахборот ҳажмини расман чеклашга, уни «ўраб- ихчамлашга» ҳаракат қилинади ва унинг энг самарали ечими топилади. Бунинг учун эса дарс жараёнини интернет тармоғидаги тиббий библиотекалардан муаммонинг ечимини энг исботланган, ишончли ечимини мета таҳлил тадқиқот усули ёрдамида шахсга йўналтирилган ҳамда ҳамкорликда ҳал қилинади:

PICO

P – бемор ёки муаммо

I – аралаштириш ва таъсир қилиш

C – тақослаш ёки назорат қилиш

O – натижа

Олий таълим муассасида ўтказилаётган амалий, семинар машғулотлари юқоридаги усуллар, мезонлар асосида баҳоланиб, ҳар бир педагог - ходим фаолиятини таҳлил қилиб бориш таълим сифатини оширишнинг шартларидан биридир.

Шундай қилиб, клиник фанларни ўқитишда таълим дастурларининг вертикал ва горизонтал интеграцияси, таълим траекторияси ҳамда тизимни яратишнинг эргонометрик талаблари, таълим элементларини эътиборга олган ҳолда тиббиёт таълими жараёнининг фанлараро интеграция тизими такомиллаштирилган.

Бунлардан ташқари тиббий клиник фанларни замонавий инновацион, интерфаол таълим усуллари қўллаган ҳолда ўқитиш (бемор демонстрацияси ва симуляцион марказларда ўқитиш) ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида қуйидагилар амалга оширилди – дарс таҳлили, симуляцион технологияларни қўллаш ва уларнинг самарадорлиги, янги технологиянинг қўлланилиши, амалиёт давомида илмий изланувчанликни шакллантириш усуллари қўллаш ва таҳлил қилиш.

Ўқув курси давомида хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда “мастер класс” яъни симуляцион ўқитиш усуллари, уларни қўллашдаги ўзига хос томонлар ҳамда машғулот давомида амалий кўникмаларни ўргатиш бўйича маълумотлар тақдим этилди ва муҳокама қилинди. Профессор – ўқитувчиларнинг олган билим ва кўникмалари тест саволлари ва турли клиник вазиятларда мутахассис тактикасини аниқлаш бўйича якуний назорат ўтказилди. Олинган натижаларга кўра жалб қилинган педагогларнинг 93 нафари “аъло”, 15 нафари “яхши”, 17 нафари эса “қоникарли” кўрсаткичларга эга бўлдилар. Ўқув курси тугаллангандан сўнг профессор – ўқитувчилар сўровномада иштрок этдилар ва симуляцион ўқитиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Сўровнома таҳлиliga кўра педагогларнинг симуляцион ўқитиш бўйича тўлиқ маълумотга эга эмаслиги, мазкур жараёни босқичма босқич барча фанларни ўқитишда жорий этиш ҳамда ҳар бир кафедрада симуляцион технологиялардан фойдаланган ҳолда амалий кўникмаларни ўргатиш жараёнини фаоллаштириш лозимлиги эътироф этилган.

Тадқиқот давомида анъанавий таълим яъни амалий машғулот давомида назарий ва амалий билимларни оғзаки муҳокама қилиш жараёни билан солиштириб, асосий гуруҳ яъни симуляцион таълим бўйича 104 нафар, солиштирма гуруҳ яъни анъанавий таълим бўйича 96 нафар талабалар жалб қилинди (4- ва 5– расм).

Амалий машғулот давомида клиник фанларни ўқитишда назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлашда анъанавий ҳамда инновацион таълим жараёнини ўзаро интеграцияда олиб бориш таълим сифатини ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан тиббий таълим тизимида сўнгги йилларда такомиллашиб келаётган симуляцион ўқитиш усуллари амалий кўникмаларни автоматизм даражасида ўргатишга кенг имкониятлар яратди.




4-расм. Симулятор робот.



5-расм. Амалий кўникмаларни эгаллаш

Тадқиқот давомида инновацион ва анъанавий усулларни қўллашда кўникмаларни ўргатиш борасидаги ўзига хос тамойиллар, босқичлар устунлиги ва уларнинг ўзига хос томонлари аниқланди. Таҳлил натижаларига симуляцион ўқитиш усули билан ўтказилган амалий машғулотларда асосий гуруҳдаги талабалар ўртасида шошилиш ҳолати тўғри баҳолаш (88,5%), шифокор тактикасини тўғри танлаш (83,1%), амалий кўникма кетма кетлигини тўғри бажариш (92,3%), беморга тўғри маслаҳат бериш (83,1%) ва фаоллик даражаси (95,3%) бўйича ишончли ижобий фарқ кузатилди. Лекин шахслар аро мулоқот кўникмалари бўйича асосий ва назорат гуруҳидаги талабаларнинг (50% ва 37%) асосий тамойилларни қўллаш борасида назарий ва амалий билимнинг етишмаслиги яққол намоён бўлди. Тадқиқотнинг кейинги босқичида тиббий таълим жараёнида муҳим бўлган амалий кўникмаларни ўргатиш масъулиятини ошириш ва таълим олувчилар учун симуляцион технологиялардан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида “Симуляцион ўқитиш” курси “Даволаш иши” ва “Касбий таълим” йўналишлари ўқув режасига киритилди ва дарс жадвали асосида 3 ҳамда 4 курс талабалари таълим жараёнига жорий этилди. Ўқув курсининг якуний назорати вазиятли ҳолатлар бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларни эгаллаш даражалари 100 баллик тизимда баҳоланди (6-расм):

Симуляцион ўқув таълим усулини қўллаш жараёнида клиник фанларни ўқитишда симулятор роботдан фойдаланиш ҳар бир талабага амалий кўникмаларни тўғри бажариш, автоматизм даражасига эришиш ҳамда беморлар ҳаётига хавф солмаган ҳолда доимий такрорлаб туриш имконини яратди. Тиббий клиник фанларни ўқитишда замонавий инновацион, интерфаол таълим усулларини тасвирий воситалар: расм, видеороликлар, фильмлардан фойдаланган ҳолда талабалар эшитиш, кўриш, ҳис этиш қобилиятини уларнинг билимларини 78-83%, амалий кўникмалари, касбий компетентлигини 64-74%га ошириш кузатилган бўлса. Дарслар бемор демонстрацияси орқали ёки симуляцион марказларда олиб борилганда талабаларнинг билимлари 87-92% га, амалий кўникмалари, касбий компетентлигининг ривожланиш даражаси 85-90%га ошириш аниқланди.



6-расм. Вазиятли ҳолатлар бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларни эгаллаш даражаларини баҳолаш натижалари.

Шундай қилиб, тиббий клиник фанларни замонавий инновацион, интерфаол таълим усулларини қўллаган ҳолда ўқитишда дарсларни бемор демонстрацияси орқали (беморнинг розилиги билан) ёки симуляцион марказларда олиб борилганда талабаларнинг билимларини 87-92% га, амалий кўникмаларини 85-90%га ошиши исботланди.


Диссертациянинг «**Тиббий таълим жараёнида амалий кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган инновацион компетентликни ривожлантириш**» деб номланган тўртинчи бобда тиббий таълим жараёнида инновацион муҳитнинг аҳамияти компетентли ёндашув асосида назарий билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришнинг ўзаро интеграцияси, Инновацион таълим тизимининг ўзига хослиги ва компетентлиликка йўналтирилган ижодкорликни ривожлантириш зарур педагогик шарт-шароитлари, симуляцион таълим тизимида инновацион компетентликнинг таркибий – тузилмавий моделига оид маълумотлар ёритилган.

Таълим жараёнида инновацион фаолиятга тайёргарлик кўриш ва унинг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги инновацион таълимни ривожлантириш, таълим сифатини такомиллаштириш учун педагоглар фаолиятини ташкил қилишда бир қатор омилларнинг таъсири кузатилиши мумкин.

Тадқиқот жараёнида клиник фанлар бўйича таълим бераётган педагоглар ўртасида инновацион компетентликнинг шаклланганлик даражалари ўрганилди. Тажриба синов жараёнида инновацион компетентликнинг барча хусусиятларини ўрганиш ва қўллаш бўйича

семинарлар ташкил этилди. Клиник фанларнинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда компетентликнинг асосан репродуктив, алгоритмик, продуктив ва ижодий даражаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлғуси оилавий шифокорларни тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилди ва таълим олувчилар ўртасида баҳолаш шкаласи асосида олинган натижалар таҳлил қилинди (%):



7-расм. Касбий компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини баҳолаш

Мазкур компетентлик борасида амалга ошириладиган таълим жараёни аҳоли орасида тиббиёт ҳуқуқига оид маълумотларни тақдим этиш (бемор - фуқаро, ижтимоий муҳофазага оид), ижтимоий-меҳнат соҳаси (тиббий ёрдам истеъмолчиси, беморларнинг ҳуқуқлари), оилавий муносабатлар ва мажбуриятлар, тиббиёт ва ҳуқуқ масалалари, касбий, шунингдек, шахсий мавқени аниқлаш борасидаги билим ва тажрибаларни эгаллаш (хусусан, соғлиқни сақлаш тизимидаги меҳнат бозоридаги кадр истеъмолчилари таҳлил қилиш, шахсий ва ижтимоий манфаатларни кўзлаб, ҳаракат қилиш маҳорати, меҳнат ҳамда аҳоли муносабатларининг одобини билиш)ни англатади.

Оилавий шифокорларни тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган омилларни, касбий ривожланишнинг мезонлари, хусусан касбий мотивация, шахсий касбий хусусиятлар, инновацион ёндошувчанлик, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативликни касбий ривожланиш ва касбий фаолият муҳити билан ўзаро интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштиришни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, Оилавий шифокорлар ва мутахассисларни тайёрлашда касбий компетентликни ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи тизимли, фаолиятли ва шахсга йўналтирилган омилларни эътиборга олган ҳолда касбий ривожланишнинг ўзига хос жиҳатлари: врач-бемор, ижтимоий меҳнат, врач-бемор оиласи ўртасидаги муносабатлар ҳамда касбий бурч ва мажбуриятларга оид фаолият турларини баҳолаш мезонлари асосланган.

Урология фанидан талабаларни ўқитиш, уларнинг билимини ошириш, амалий кўникмаларни тўла қонли эгаллашлари учун дарс жараёни врач мутахассисларнинг поликлиника ва стационар шароитидаги фаолиятлари эътиборга олган ҳолда тавшиқил этилди. Бу ўз навбатида урологик касалликларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашга қаратилган комплекс тизимли чора-тадбирлар: сийдик йўллари инфекцияси, простата бези хавфсиз гиперплазияси, сийдик тош касаллиги мавзуларини ўқитишда, мутахассисларнинг поликлиника ва стационар шароитидаги фаолиятларини эътиборга олган ҳолда оптималлаштириш имконини яратди.


